

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУВАЛИЕВ ФАТХУЛЛА НАЖМИДДИНОВИЧ**

**ЁШЛАРНИНГ ТАЪЛИМ МИГРАЦИЯСИ: ИЖТИМОЙ САБАБЛАРИ,  
СТРУКТУРАСИ ВА ҲОЛАТИ**

**22.00.03 – Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси**

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2021**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
социологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
Sociological Sciences**

**Абдувалиев Фатхулла Нажмиддинович**

Ёшларнинг таълим миграцияси: ижтимоий сабаблари, структураси ва  
ҳолати..... 3

**Абдувалиев Фатхулла Нажмиддинович**

Образовательная миграция молодежи: социальные причины, структура и  
положение ..... 23

**Abduvaliev Fatxulla Nadjmiddinovich**

Educational migration of young people: social causes, structure and status..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 46

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУВАЛИЕВ ФАТХУЛЛА НАЖМИДДИНОВИЧ**

**ЁШЛАРНИНГ ТАЪЛИМ МИГРАЦИЯСИ: ИЖТИМОЙ САБАБЛАРИ,  
СТРУКТУРАСИ ВА ҲОЛАТИ**

**22.00.03 – Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси**

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2021**

Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/S103 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (реюме) Илмий кенгаш веб-ҳифасида info@dba.uz ва «www.Ziyounet» ахборот таълим порталида жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Каланов Комил Кулахматович</b> социология фанлари номзоди, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Умурзаков Баходир Хамидович</b> иктисодиёт фанлари доктори, профессор <b>Гаффарова Мавлуда Курбанбаевна</b> социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
<b>Етафчи ташкилот:</b>	<b>Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.20/30.12.2019.S.23.02. рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» кунли декабрь соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (371) 232-60-47; факс: (371) 239-17-83; e-mail: info@dba.uz. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, 11-қavat, 1108-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (33 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (371) 232-60-47, факс: (371) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, 11-қavat, 1108-хона.)

Диссертация автореферати 2021 йил «18» дес кунли тарқатилди.  
(2021 йил «  »    даги    рақамли реестр баённомаси).



*(Handwritten signatures in blue ink)*

**М.Б. Бекмуродов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, соц.ф.д., профессор

**Ш.М. Содикова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, соц.ф.д., профессор

**Ф.Я. Парманов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, соц.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тажрибасида таълим миграцияси билан боғлиқ илмий тадқиқот ишлари аввалига иқтисодий, демографик, ҳуқуқшуносликка оид йўналишларда ўрганилган бўлса, XX асрнинг 90 йиллари ўрталарига келиб сиёсатшунослик ва социология фанларида глобализмнинг фаоллашган «мобиллик белгиси» сифатида тадқиқ қилинмоқда. Мураккаблашган, аммо тизимли ахборотлашган дунёнинг ҳаракатчан интеллектуал қиёфаси сўнгги ўн йилликлар ичида «ақлли» миграция мақоми билан ўзининг социомаданий манзарасини намоён қилмоқда. Ижтимоий-маънавий ҳаётга таъсир ўтказар экан, интеллектуал миграция жараёнлари оқибатида юзага келаётган турли мазмундаги глобал муаммолар кишиларнинг турмуш тарзи, кундалик ҳаёт ва тафаккур тарзи, хусусан, миллий менталитет ва идентикликдаги ўзгарувчан ҳодисаларни ўрганишга мажбур қилмоқда.

Дунёда халқаро тадқиқотлар доирасида миграция, этник диаспоралар, қочоқлар масалалари ўрганилар экан, уларнинг доирасида «ақл миграцияси» мавзуси билан бир қатор тадқиқот марказлари, илмий текшириш институтлари ва жамғармаларда илмий изланишлар олиб борилиб, уларда турли социал табақалар ва тоифаларнинг қатламларга ажралиш жараёнларидаги мавқеи, уларнинг ижтимоий мобиллик даражаларга кўрсатадиган таъсири, социумда янги иш ўринлари яратиш ва унинг аҳоли турмуш даражасини оширишда тутган ўрни, Марказий Осиёда миграция ва диаспоралогия жараёнлари, уларнинг пайдо бўлиш сабаблари, ривожланиш омиллари ва истиқболлини прогноз қилишнинг динамик хусусиятлари, идентиклиги каби масалаларини тизимли таҳлил қилиш зарурати илгари сурилмоқда.

Мамлакатимизда миграция жараёнлари ижтимоий тузилмасида «этник миграция», «меҳнат миграцияси», «экологик миграция», «маёқсимон миграция» ва табиийки «ақлий ёки интеллектуал миграция» тушунчаларини илмий тадқиқ этишнинг диапозони кенгайди. Янги ижтимоий муносабатларга интеграциялашиб борар экан, Ўзбекистон ўзининг демократик тараққиёт босқичида жамиятнинг барча аъзолари манфаатларини ҳисобга олиши, шунинг асосида ривожланиш йўлларини белгилаб, тараққий этиб бормоқда. «Чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга ва кўмаклашишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, уларга қулай шарт-шароитларни яратиш»<sup>1</sup>ни рағбатлантиришга доир муҳим чора-тадбир ва вазифалар ишлаб чиқилди. Маҳаллий шароитда «ақл миграцияси»ни пайдо қилувчи сабаблар, ривожланиб бориш тенденциялари баробарида интеллектуал салоҳиятга бўладиган ижтимоий хавфлар тузилмасини тизимли тадқиқ этиш, «ақл (мия) эгалари»нинг мамлакатни тарқ этиш омиллари динамикаси илмий

---

<sup>1</sup><https://lex.uz/docs/4997972>.

прогнозини ишлаб чиқиш ва истиқболни белгилаш алоҳида долзарбликни касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги ПФ-3907-сон «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш сора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 11 июлдаги ПҚ-3126-сон «Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июлдаги ПҚ-3839-сон «Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация иши Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Интеллектуал миграция жараёнларининг замонавий жамиятга трансформациялашуви социумда ижтимоий-маданий хусусиятлар билан боғлиқ муаммоларни кучайтирса, иккинчи томондан илм-фаннинг ривожини учун кўплаб имкониятлар яратади. 2010-2018 йиллари янада фаол ҳаракатда келган миграция жараёнлари мигрантларни экспорт қилувчи ва уларни қабул қилувчи илмий социумлар томонидан таҳлил этилиб, тўпланган статистик ва социологик маълумотлар кўрсаткичлари, ҳамда уларнинг индикаторлар динамикаси ўрганилганда, интеллектуал мигрантлар мақсад, қизиқиш ва эҳтиёжларида даврий, эволюцион ўзгарувчанликни кузатиш мумкин.<sup>2</sup> Социологик ва тарихий манбаларда келтирилган назарий-методологик қарашларда кишиларнинг бир жойдан иккинчи жойга ҳаракатланиши, яъни ижтимоий мобиллиги дискурс-таҳлил, фрагментлаш, хронологик ва дискрет изоҳлари берилган. Жумладан, қадимги юнон файласуфлари Аристотель, Платон қарашларида, Шаркнинг улуғ мутафаккирлари Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Ибн-Батута, Ибн-Халдун асарларида кишиларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтишларидаги ижтимоий-иқтисодий сабабларга, жумладан, вайронкор урушлар, табиий офатларнинг келтириб чиқарган зарарлари, турли хил юқумли касалликларнинг тарқалиши туфайли нафақат оддий одамлар, балки ақл эгаларининг ҳам

---

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг ФЖШМҚМИ 2013 й., 2015 й. ва 2019 йилларда ўтказилган социологик тадқиқотлар натижалари. (2008-2018 йиллар маълумотлари)

юқори даражадаги ҳаракатланганлиги тўғрисида маълумотлар келади.

Жаҳон классик социология фанида миграция, хусусан ақлий миграция омилларини О.Конт, М.Вебер, П.Сорокин, Т.Парсонс, Ф.Знанецкий, У.Томас, К.Леви-Стросс, Р.Мертон, Н.Эллиас, Э.Тоффлер каби олимларнинг асарларида назарий-методологик жиҳатдан асослаб берганликларини эътироф қилиш мумкин. XX асрда юзага келган кўплаб ижтимоий-сиёсий бўҳронлар натижасида иккита жаҳон уруши содир бўлди. Дунё харитасидан ўнлаб йирик давлат ва империялар ўчиб кетди, айниқса икки кутбли дунёнинг барҳам топиши ер юзи бўйлаб аҳолининг миграция жараёнларидаги иштирокини тезлаштириб юборди ва оддий объектив бир ҳодисага айлантди. Тадқиқ этилаётган муаммога оид масалалар даврий ўзгаришлар билан тарихий-хронологик ва ҳар бир мамлакат мисолида ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни ҳисобга олиб таҳлил этилади. МДХ давлатларида А.Абакирова, В.Багдасарян, А.Бандурка, Б.Бектурганова, А.Буев, К.Джамангулов, М.Кислицына, Ю.Ефимов, Н.Гузъ, А.Рамеева, Е.Западнюк, С.Орешков, А.Суворова каби қатор тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида миграция, диаспоралар ва ақлий салоҳиятнинг динамик ҳаракатланиш хусусиятлари очиб берилди.

Мамлакатимизнинг йирик ва кўзга кўринган олимлари Р.Убайдуллаева, Қ.Абдурахманов, М.Бекмурадов, Ф.Парманов, Л.Максакова, А.Сеитов, Б.Умурзоқов, М.Пардаев, А.Исмоилов, И.Муллажонов, К.Каланов, Б.Абдукаримов, М.Раҳимов, Н.Хайдаров, М.Юлдашев, Ш.Исакулов, М.Раҳимов каби тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида кузатиш мумкин. Маҳаллий тадқиқотчилардан М.Бекмурадов мигрант ижтимоий қиёфаси ва менталитети, Л.Максакова аҳоли миграцияси ривожланишини ўрганиш ва тартибга солиш масалалари, Ф.Парманов ва А.Сеитовлар меҳнат миграцияси ижтимоий мобилликнинг пайдо бўлиш сабаблари ва омиллари, К.Калановнинг ақлий миграция вужудга келишининг ижтимоий-маданий хусусиятлари, Т.Саитбоев ва Ш.Рахматуллаевлар аҳолини ташқи миграциядаги иштирокининг ижтимоий-иқтисодий омиллари, Ж.Зайончковскаянинг аҳоли миграциясининг ижтимоий-ҳуқуқий ва гендер масалалари каби кўрсаткичларни ёритиб беришлари, муаммонинг ўзгарувчан жамиятда изчил ва давомий тадқиқ этиш заруриятини талаб этади. Миграция жараёнлари социологик жиҳатдан таҳлил этилар экан, «ақл ёки интеллект эгалари»нинг мамлакатни тарк этиши, ёки уларнинг бугунги кунда маёқсимон миграция жараёнларидаги иштирокини социологик тадқиқотлар ёрдамида тадқиқ этиш, унинг кўпқиррали ижтимоий хусусиятларини тизимли ўрганишни талаб этади.

**Диссертация мавзусининг олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Ушбу тадқиқот иши Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган ПЗ-2017093020 «Олий ва ўрта махсус таълим тизимини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва прогностлаштиришнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш

ва комплекс дастурини яратиш» мавзусида шакллантирилган илмий тадқиқотлар иши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ёшларнинг интеллектуал миграциядаги иштирокига сабаб бўлувчи омилларни аниқлаш ва унинг ижтимоий-маданий хусусиятларини белгиловчи илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифаси:**

«интеллектуал миграция», «интеллектуал циркуляция», «интеллектуал оқим» каби тушунчаларни илмий асослаш, муаммони ўрганишда фойдаланилган турли хил концептуал ёндашувларнинг социологик таҳлилинини назарий-методологик томонларини очиб бериш;

жамиятнинг трансформациялашувида таълим миграциясининг миқдорий ва сифатий таснифларини қўллаш асосида интеллектуал миграция омилига таъсир ўтказувчи социал призма ва акторларни аниқлаб, асослаб бериш;

ёшлар таълим миграциясини тадқиқ этиш асосида мигрант ижтимоий мақомини ижтимоий тузилма сифатидаги моҳиятини очиб бериш, унинг мослашувчанлик механизмларини аниқлаш;

ўтказилган социологик тадқиқот натижалари асосида «интеллектуал мигрант» маънавий-ижтимоий қиёфасини яратиш ва унинг пайдо бўлишидаги омиллар, бугунги ва истиқболдаги ҳаракатланиш чегараларини аниқлаш, трансформациялашувдаги илмий прогнозни амалга ошириш;

замонавий жамиятда интеллектуал миграция жараёнлари, кўринишлари, пайдо бўлиш сабаблари, динамикаси, турмуш ва тафаккур тарзи, дунёқараши, менталитети ва идентикликдаги ижтимоий-руҳий кайфиятнинг ўзаро муносабатларга киришиш масалаларини очиб бериш;

Ўзбекистонда ёшлар таълим миграцияси жараёнларига таъсир этувчи бугунги ва истиқбол омилларни аниқлаш, унинг ижтимоий оқибатларини тадқиқ этиш бўйича назарий-методологик асосланган илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** ёшлар таълим миграциясининг ижтимоий структурасини ифодаловчи трансформацион жараёнлар.

**Тадқиқотнинг предмети**ни социумда интеллектуал миграциянинг пайдо бўлиш сабаблари, ҳолати ва ижтимоий хусусиятларини тизимли таҳлил қилиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини ёзишда ҳужжатларни ўрганиш, кузатиш, сўров ва эксперт баҳолаш каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

интеллектуал миграция индивид характери ва хулқ-атворини ифодаловчи ижтимоий ҳодиса сифатида, ташқи муҳитга трансформациялашувчи ва у билан ўзаро фаолиятга киришувчи, қабул қилувчи ижтимоий маконда ўзига мос иш жойи яратиш, ижтимоий мавқега эришиш, ахборотлашган жамиятда фаол иштирок этар экан, унинг фаол



ҳаракатлантирувчи интеллектуал қисмини ташкил этувчи объект эканлигини исботловчи тасаввурлар аниқланган;

ёшлар интеллектуал миграциясининг замонавий жамиятда турли хил ижтимоий мақом, мавқе ва хусусиятлар билан намоён бўлиши, унинг ёшлар, хусусан талабалар ҳаётида ҳаракатланувчи, мобил ҳодиса сифатида илмий ва социомаданий интеграциялашувдаги контекста юзага келаётганлиги асосланган;

глобаллашган дунёнинг тобора ахборотлашган жамият билан интеграциялашуви жараёнларида интеллектуал миграция омилларини социологик тадқиқотлар натижаларига асосланиб юқори касбий маҳоратга эга бўлиш хусусиятларини янада такомиллаштириш, илмий соҳаларда қўлга киритилган билимларни амалиётга қўллаш меъзонлари асосида баҳоланган;

Ўзбекистонда интеллектуал миграциянинг эгалланган соҳа ва мутахассисликлар бўйича динамикаси, унинг экспорти ва қабул қилувчи мамлакатлар иқтисоди, фан-техника ва илғор технологиялар ривожига қўшаётган улушини аниқлашга йўналтирилган методологик ёндашув ва тавсиялар тизими ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

интеллектуал миграциянинг мавжуд миграция жараёнларини бир қисми эканлиги ва турли шакллари билан аралашиб кетганлиги, унинг трансформациялашув ва мобил хусусиятларини алоҳида ишлаб чиқилган илмий компонентлар асосида ўрганиш мақсадида «Ёшлар интеллектуал миграциясининг ижтимоий сабаблари ва ҳолати» мавзусидаги социологик тадқиқот дастури ва сўровномаси тайёрланди;

мумтоз социологик манбалар ва тадқиқот натижаларига асосланиб интеллектуал миграцияга оид маълумотлар базаси тўпланди ва муаммо юзасидан стратегик аҳамиятга эга истиқболни белгилаш мақсадида мавжуд муаммонинг мамлакат ривожланиши ва тараққиётига ўтказадиган таъсир ҳолатларини ўрганиш юзасидан таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсида ўтказилган илмий анжуманлар материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, социологик тадқиқотлар натижалари, хулоса, таклиф ва тавсиялар асосида амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишининг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, унда таълим соҳаси ва илм-фанни рақобатбардош соҳага айлантиришда интеллектуал миграциянинг даврий трансформациялашуви жараёнлари социологик жиҳатдан қиёсий ўрганилади. Шунингдек, унинг назарий-амалий базаси социология, психология, фалсафа, демография, ҳуқуқшунослик каби фанларни илмий жиҳатдан бойитишга ёрдам бериши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти ахборотлашган жамият, интеграциялашув жараёнлари, цивилизацияларнинг симбиози ёки

тўқнашуви, таълим сифатини янада такомиллаштиришда энг илғор технологияларни жорий қилишга хизмат қилиши, интеллектуал миграцияда иштирок этиб келаётган истеъдодли ва қобилиятли кишилар, биринчи навбатда ёшлар қатламининг мамлакат инновацион ривожига стартап лойиҳаларни жалб этиш бўйича иштирокини қўллаб-қувватлаш ва амалиётга жорий этишни кўпайтириш, бунинг учун илмий грантлар орқали муаммо ечимини ҳал этиш мумкинлиги билан белгиланади. Шу билан бирга, мавзу юзасидан социология соҳасида дарслик, ўқув қўланма, услубий тавсиялар яратиш, махсус курслар ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Миграция жараёнлари трансформацияси ва интеграциялашув тенденцияларини таҳлил қилиш асосида:

интеллектуал миграция индивид характери ва ҳуқ-атворини ифодаловчи ижтимоий ҳодиса сифатида, ташқи муҳитга трансформациялашувчи ва у билан ўзаро фаолиятга киришувчи, қабул қилувчи ижтимоий маконда ўзига мос иш жойи яратиш, ижтимоий мавқега эришиш, ахборотлашган жамиятда фаол иштирок этар экан, унинг фаол ҳаракатлантирувчи интеллектуал қисмини ташкил этувчи объект эканлигини исботловчи тасаввурлар Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал Мулк агентлиги томонидан 2019 йилда ўтказилган «Ташқи меҳнат миграция ҳодисасининг жамият ҳаётига таъсири» мавзуидаги социологик тадқиқотда фойдаланилган (O'zbekiston Respublikasi Adliya Vazirligi huzuridagi Intellektual Mulk agentligining 2021 йил 14 сентябрдаги 21/709-2-сон маълумотномаси). Ушбу диссертация иши маълумотларидан интеллектуал миграцияни индивид ҳуқ-атворининг ифодаловчи ҳодисаларидан бири сифатида ташқи муҳит билан фаолиятга киришиш ва ўзга ижтимоий маконда иш жойи яратиш, ўзга социум ёки жамият тузилмасида янги ижтимоий мақомга эга бўлиш, глобаллашган дунёнинг бир қисми эканлиги ҳақидаги ижтимоий фикрни исботлаш учун бўлган тасаввурлар ва диссертация иши маълумотларидан интеллектуал мулк масалалари бўйича халқаро ва миллий илмий анжуманлар, симпозиумлар, конференциялар, семинарлар ҳамда бошқа тадбирларни ташкил қилишда кенг фойдаланилган;

ёшлар интеллектуал миграциясининг замонавий жамиятда турли хил ижтимоий мақом, мавқе ва хусусиятлар билан намоён бўлиши, унинг ёшлар, хусусан талабалар ҳаётида ҳаракатланувчи, мобил ҳодиса сифатида илмий ва социомаданий интеграциялашувдаги контекста юзага келаётганлиги O'zbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari agentligi фаолиятида фойдаланилган (O'zbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari agentligi ning 2021 йил 22 октябрдаги 2/13-22-2633-сон маълумотномаси). Бу ёшларни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган ёш авлодни илм-фан ва инновацияларга кенг жалб этиш, ёшларга оид дастурлар, лойиҳалар ва илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш учун ижобий буюртма шаклида ажратиладиган давлат грантлари ва субсидияларни

тақсимлаш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган амалий тадбирларнинг методологик асосини такомиллаштиришга хизмат қилган;

глобаллашган дунёнинг тобора ахборотлашган жамият билан интеграциялашуви жараёнларида интеллектуал миграция омилларини социологик тадқиқотлар натижаларига асосланиб юқори касбий маҳоратга эга бўлиш хусусиятларини янада такомиллаштириш, илмий соҳаларда қўлга киритилган билимларни амалиётга қўллаш меъзонлари бўйича таклифларидан «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг «Миграция жараёнларини тартибга солиш ва бандликка кўмаклашишнинг истиқболларини белгилашга оид «Йўл хариталари»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган («Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг 2021 йил 14 октябрдаги 01-263-сон маълумотномаси). Бу глобаллашган дунёнинг интеграциялашув жараёнида интеллектуал миграциянинг ўзига хос хусусиятларини ўтказилган социологик тадқиқотлар натижасида соҳа ва касб мотивларига йўналтириш, фан ва таълим соҳасида эгалланган билимларни амалиётга қўллаш меъзонлари асосида баҳоланган ва ундан марказнинг социологик тадқиқот дастурларини шакллантиришда илмий-методологик асос сифатида фойдаланилди;

Ўзбекистонда интеллектуал миграциянинг эгалланган соҳа ва мутахассисликлар бўйича динамикаси, унинг экспорти ва қабул қилувчи мамлакатлар иқтисоди, фан-техника ва илғор технологиялар ривожига қўшаётган улушини аниқлашга йўналтирилган методологик ёндашув ва тавсиялар тизимига доир таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг фаолиятида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Ташқи Меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг 2021 йил 15 июлдаги 01-07/527-сон маълумотномаси). Бу жамиятда интеллектуал меҳнатга нисбатан ҳуқуқий маданиятни ошириш, ижтимоий ҳурмат хиссини шакллантириш йўлида илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот иши натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси натижалари бўйича жами 10 дан ортиқ илмий ишлар чоп этилган, хусусан ОАК рўйхатида келтирилган журналларда 4 та илмий мақола, шу жумладан, чет эл журналларида 1 та илмий мақола, илмий-амалий конференцияларда 5 та маъруза ва тезислар нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 6 та параграфдан иборат бўлган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 135 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертациянинг илмий янгилиги асосланган. Тадқиқотнинг объекти, предмети, методлари, мақсад ва вазифалари аниқланган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Миграция жараёнлари ва жамиятнинг трансформациялашуви» деб номланади. Ушбу бобнинг биринчи параграфи «Ёшлар таълим миграциясининг назарий асослари» масалаларига бағишланган. Интеллектуал миграциянинг трансформацияси содир бўлар экан, у бир томондан ижтимоий-маданий хилма-хилликка таъсир ўтказса, иккинчи томондан, илм-фан ва технологияларнинг динамик ривожланиши учун кўплаб имкониятлар яратиб беради. Бу эса ўз навбатида жамият ижтимоий-маданий тузилмасидаги тизимли ўзгаришларнинг имкониятларини баҳолаш, ривожланиш механизмларини прогноз қилиш ва бошқарув моделларини белгилаш ва амалга оширишдаги самарали механизмларини ўрганиш ва яратишга боғлиқ бўлади. Миграция, хусусан ақлий миграция жараёнларининг фаоллашуви ва глобаллашуви ёшлар масаласи, авлодлар алмашинуви, жамиятнинг ахборотлашуви фонида бугунги куннинг асосий ижтимоий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатда миграция мавзуси турли ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишларида илмий тадқиқот объектига айланиб улгурди. Муаммонинг илмий кўлами йириклашиб, тадқиқотлар ҳажми ортиб борар экан, илмий жамоатчилик ўртасида миграциянинг турли шакллари оид мунозарали баҳс-мунозараларнинг таҳлили академик мазмун касб эта бошлади. Илмий анжуман ва конференцияларда, таҳлилий мақола ва материалларда, туркум чиқишлар ва муносабатларда миграциянинг турли кўринишлари, жумладан, «интеллектуал миграция» масаласига ҳам жиддий фикр-мулоҳазалар билдирилиб келинмоқда. Муаммонинг илмий таҳлили мураккаблашиб, унга бўлган ёндашувларнинг аҳамияти ошиб борар экан, «юқори касбий маҳоратга эга бўлган кадрлар миграцияси», «интеллектуал оқим», «интеллектуал салоҳиятнинг чиқиб кетиши», «истеъдодли ва ақлли кишиларнинг чиқиб кетиши» каби масалалар жиддий мунозаралар предметига айланиб бўлди.

Ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида ақлий миграция муаммоси илмий феномен сифатида назарий-методологик ёндашувга айланиб бораётганлиги кўплаб тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборини ўзига тортади. Дунё миқёсида ахборотлашиш, глобаллашувга интилиш ва интеграция жараёнларининг фаоллашуви фан ва таълим соҳасида халқаро интеллектуал миграциянинг фаоллашуви ва трансформациялашувини тезлаштириб бормоқда. Бугунги дунёнинг ижтимоий-маданий манзарасига эътибор

берадиган бўлсак, ақлий миграциянинг кескин ўсиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Унинг ривожланиш динамикаси «ички», «ташқи», «маёқсимон» кўринишларда оддийдан мураккабга қараб ривожланиб бормоқда. Бошқа миграция шаклларида фарқли ўлароқ ақл эгаларини ўзига кўпроқ йирик шаҳарлар ва мегаполислар жалб этади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, 2030 йилга бориб ер юзи аҳолисининг 4 млрд.дан зиёди ривожланган ва тараққий этган шаҳарларда истиқомат қилиши айтилади.<sup>3</sup> Демак, урбанизациянинг ривожланиши ақлий миграцияни янада фаоллаштиради. Чунки, миграциянинг турли кўринишлари мавжуд оқим шароитида қишлоқ, туман, кичик ёки ўртача шаҳарлар, бориладиган мамлакатлар пойтахтлари, йирик шаҳарларга қараб ҳаракатланса-да, ақл эгалари фарқли равишда, биринчи навбатда саноатлашган, технологик ривожланган, университет (тадқиқот маркази)лари мавжуд бўлган юқори касбий маҳорат ва ижтимоий-маданий маконга эга бўлган шаҳарларга йўл олади. Шу боис келажак шаҳарларининг истиқболлини мавжуд университет ёки тадқиқот марказларининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги билан белгилаш мумкин.

Бугунги кунда мавжуд жамиятлар, табиийки урбанизация марказлари кириб келиши ёки чиқиб кетиши мумкин бўлган интеллектуал миграцияга тайёр туришлари керак бўлади. У исталган вақтда содир бўлиши мумкин ва унга биринчи навбатда ижтимоий адолатга берилган эътибор таъсир ўтказиши. Шунингдек, олий таълим муассаларининг сони ва миқдори, унда белгиланган ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар даражаси ҳам асосий мезон вазифасини ўтайди. Статистик маълумотларни ўрганадиган бўлсак, 1992 йили Москва шаҳрида жами 81 та олий ўқув юрти фаолият олиб борган бўлиб, улар давлат муниципал характерида эга бўлган. Шу йиллари ушбу таълим масканларида 465.300 талаба таҳсил олган. 2009 йилга келиб, Москва шаҳридаги университетлар сони 264 тага етди ва шундан 109 таси давлат ёки муниципал бошқарувига асосланган бўлиб, қолганлари хусусий мақомда шакллантирилган. Шу йили олий маълумот олиш учун ҳаракат қилаётган талаба ёшларнинг жами миқдори 1 млн. 281.100 тани ташкил этган.<sup>4</sup> Айни вақтда Москва шаҳрида 298 та университет мавжуд бўлиб, унда 1 млн. 510.800 та талаба таҳсил олади.<sup>5</sup>

Халқаро тажрибага эътибор қаратилса, мамлакат ҳудудида университетлар миқдорининг кўплиги, унда ёшлар қатламининг асосий қисмини иштироки олий таълим олиш орқали бандлик масалаларини ҳал этиш имконини беради. Шунингдек, интеллектуал миграциянинг тезлашишини олдини олиш ва мамлакат ривожига нафақат иқтисодий, балки юқори миқдордаги маънавий зарар келтиришнинг олдини олиш имконини

<sup>3</sup> Қаранг: Лебедева М.М. Интеллектуальная миграция в современном мире // Миграционные процессы в конце XX – начале XXI в.в. Основные причины особенности современной интеллектуальной миграции. – М.: МГИМО Университет, 2014. – С. 8

<sup>4</sup> Манба: Высшие учебные заведения г.Москвы. Государственный орган Федеральной службы государственной статистики по г. Москве. – М., 2012.

<sup>5</sup> Қаранг: [https://www.unipage.net/ru/cities\\_student\\_russia](https://www.unipage.net/ru/cities_student_russia)

беради. Тадқиқотлар натижаларига кўра, сўнгги йилларда МДХ давлатларида ақлий миграциянинг фаоллашуви илк бор 2005 йилга тўғри келади ва унда интеллект эгалари бўлган иқтидорли ва истеъдодли кишилар, биринчи навбатда юқори малакали кадрларнинг миграция жараёнларидаги иштироки «ички», «ташки» ва «маёқсимон» шаклда юзага оширилади. Табиийки, унда кетиш учун унга шарт-шароит яратганлар ютказиб, ақл имкониятларидан унумли фойдалана олиш тажрибасига эга бўлган мамлакатлар катта фойда кўрганлар.<sup>6</sup>

Ушбу бобнинг иккинчи параграфи «Таълим миграциясининг миқдорий ва сифатий таснифлари» деб номланган. Амалдаги ўзаро муносабат ва воқеъликлар шуни кўрсатмоқдаки, мавжуд бўлган ҳар қандай университет ёки тадқиқот марказларида иш тизими тўғри йўлга қўйиладиган бўлинса, исталганча юқори малакали, салоҳиятга эга иқтидорли мутахассисларни тайёрлаш мумкин. Лекин, таъкидлаш жоиз, интеллектуал қобилиятли кишиларни мамлакат ҳудудида ушлаб туриш, ижтимоий ва иқтисодий инфратузилмаларга жалб этиб, фойдаланиш ҳар қандай мамлакатнинг ҳам имкониятларига тўғри келавермайди. Кўплаб мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, мавжуд муаммонинг ечимини топиш учун ҳукуматлар даражасида юқори истиқболли режаларни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этишга ўрганиш керак бўлади, ёки ақл галари бўлган истеъдодли кишиларнинг ўз мамлакатларини ташлаб, ҳорижга чиқиб кетишларига ён беришга мажбур бўлинади.

Ҳорижий тадқиқотчилар томонидан XX аср охирларида интеллектуал миграция муаммоларини «интеллектнинг чиқиб кетиши» феномени асосида ўрганиш кучайиб боради. XXI аср бошига келиб ривожланган мамлакатлар томонидан фан ва таълимни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор халқаро ташкилотлар шакллантирилади. Жумладан, Unesco, Unisef, Open Society Foundations, DAAD, ITU, USAID, FSEOG, TEACH, STEM, KNB, KOICA, Schwarzman Scholars ва бошқа шу каби ташкилотлар ажратган илмий грант, лойиҳа, семинар тренинг, илмий анжуманлар таъсирида нафақат илмий-назарий ғоялар йиғиб олинди, балки истеъдодли қобилиятли кишиларнинг ривожланган мамлакатларга чиқиб кетишларига имконият яратилди.<sup>7</sup> МДХ давлатлари ичида Россия Федерацияси илк бор 2009 йили ақл миграцияни ўрганишни ҳукумат даражасида олиб чиқди.<sup>8</sup>

Бугунги кунда «интеллектуал миграция» тушунчасига ягона мазмунда берилган илмий таъриф йўқ. Аммо тор маънода олиб қаралса, у илмий

---

<sup>6</sup> Қаранг: Шишкина С.В. Формы и причины интеллектуальной миграции / С.В.Шишкина // Вестник Костромского государственного университета им. Н.А.Некрасова, 2009. № 2. – Т. 15. – С. 181–185

<sup>7</sup> Манба: Korobkov, A. V. and Zh. A. Zaionchkovskaia. “Russian Brain Drain: Myths and Reality.” Communist and Post-Communist Studies. Special Issue on Disintegration of the Soviet Union. Twenty Years Later. Assessment. Quo Vadis? Richard Sakwa and Andrey Kazantsev, eds., vol. 45, no. 3-4, September-December 2012, 327-4; О численности сотрудников, работавших за рубежом в 2002 году. Москва: Госкомстат России. Индекс 3808, код работы 1512003, 2003.

<sup>8</sup> Отчет «Исследование российской научно-технологической диаспоры в развитых странах: условия и возможности возвращения научных кадров и использование потенциала»: [Электронный ресурс] // Инновационное бюро Эксперт. 2009.

даража ва унвонга эга бўлган олим, мутахассис ҳамда тадқиқотчиларни, кенг маънода эса билимли ва малакали ҳар қандай инсон, жумладан, талаба ёшлар ва юқори касбий маҳоратга эга қобилиятли кишиларнинг миграция жараёнидаги иштирокини назарда тутди. Замонавий шарт-шароитларда юқори салоҳиятли меҳнат мобиллигининг тезлашуви глобаллашув жараёнларининг янада тезлашиши ва инновацион технологияларнинг юқори суръатларда тарқалиши билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Ёшлар таълим миграциясининг ижтимоий тузилмаси**» деб номланган. Ушбу бобнинг биринчи параграфи «Жамиятда таълим миграцияси ижтимоий мақом сифатида» номли тадқиқот ишларига бағишланган. Миграция муаммоси 2019 йилдан кейин ўткир ижтимоий муаммолардан бирига айланиб у қабул қилувчи давлатлар учун арзон уй-жой билан таъминлаш ва бандлик масалаларининг ечимини топиш билан боғлиқ ечимини топишга қаратилган жараёнга айланди. Айниқса 2021 йилнинг баҳор-ёз ойларида бошланган афғон инқирози жаҳон миграция муаммосини янада кучайтирди. Шу йилнинг август-сентябрь ойларида миграциядаги иштирокдан ташқари, фақат афғон қочқинларининг сони қарийб миллион кишини ташкил эта бошлади. Илмий прогноз ва статистик маълумотлар таҳлиliga кўра 2021 йили фақат Европа давлатларининг ўзига 1 млн. 800 минг мигрант ёки қочоқларнинг келиши тахмин қилинмоқда.<sup>9</sup>

Замонавий жамиятда интеллектуал миграцияни бошқариш ва ундан икки томонлама фойдаланиш самарали натижалар бериши кўплаб давлатлар тажрибасида қўлланилмоқда. Бунинг учун инновацион давлат дастурларини қабул қилиш, унинг доирасида ижтимоий ва стартап лойиҳалар, грантлар, стипендия дастурлари, академик айирбошлаш дастурлари, икки томонлама дипломларни жорий этиш каби омилларни такомиллаштириб бориш муҳим омилга айланган.

Ўзбекистон шароитида олиб қарайдиган бўлсак, қонунчилик доирасида ушбу омилларни ифодаловчи қарорлар етарли даражада ишлаб чиқилган. Аммо, 2015 йилгача бўлган тажриба кузатилганда, айрим қонунлар бир-бирини инкор қилиб келган, кучли бюрократик тўсиқлар эса таълим соҳасида коррупцияни *тахитит*, яъни ўта юқори даражада ривожланишига сабаб бўлган. Айниқса, икки дипломлилик масаласи ва уни нострификация қилиш, маҳаллий грантларни олишдаги таниш-билишчилик, маҳаллийчилик, гуруҳбозликни келтириб чиқарди. Илмий ғояларни ўзлаштириш, яъни муаллифлик ҳуқуқи каби омиллар интеллектуал миграцияни янада фаоллашуви, ҳамда кутилмаган тарзда тезлашувига сабаб бўлди. Бизнинг фикримизча, бугунги кунда, халқаро тажрибадан келиб чиқиб, таълим соҳасида интеллектуал миграцияни тартибга келтириш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш керак.

- академик айирбошлаш дастурларини тартибга солиш;
- икки томонлама диплом дастурларини тартибга солиш;

---

<sup>9</sup> <https://emigranto.ru/spravochnaya/emigraciya/migranty-v-evrope.html>

- халқаро тажриба асосида докторантура тизимини ислоҳ этиш, мураккаб бюрократия босимидан чиқиш, истиқболда тадқиқотчиларнинг ижодий маҳсулдорлигини ошириш учун бир тизимли докторантурага ўтиш (собик МДХ давлатларида фақат Россия, Белоруссия, Тожикистон ва Ўзбекистон икки тизимли докторантура тизимида қолган);

- тадқиқот ишларини олиб бориш (ўтказиш)ни маҳаллий шароитдан минтақавий ва халқаро (глобал) даражага олиб чиқиш;

- мамлакат ичида давлат грантларига рақобатбардош бўлган ҳомийлик, филантроп шаклидаги турли хил стипендиялар, грантлар, стартап лойиҳалар туркумини жорий этиш, миқдорини кўпайтириш. Унда бюрократик механизмларни камайтиришга эришиш ва адолатли эксперт гуруҳларининг иштирокини таъминлаш;

- халқаро дастурлар, грантлар, шунингдек, жамғармалар фаолиятини таҳлил этиш асосида, ҳукумат ва олий ўқув юртларининг ўз ташаббускор фояларини амалиётга жорий этиб бориш;

- университет тизимида бутун бир ижодкор ва интеллектуал қатламни натижа берадиган, самарадор илмий тадбирлар тизимига йўнатириш, факультетлар ва кафедралар базасида навбатдан ташқари академик маърузалар, таниқли олим, профессорларнинг «меҳмон» маърузалари, турли хил илмий мавзуларда давра суҳбатлари, илмий-назарий семинарлар, мунозарали маърузалар, талабаларнинг кузги ва баҳорги илмий семинар ҳамда конференциялари, академик семинар ва конференциялар, маҳаллий ва минтақавий аҳамиятга эга бўлган семинар ва конференциялар сериясини ўтказишни жорий этиш интеллектуал миграциянинг бугунги ва истиқбол ҳаракатини тартибга солишда ёрдам беради.

Бизнинг илмий таҳлил ва прогнозларимизга кўра таълим соҳасида бу каби ислоҳотларнинг жорий этилиши куйидаги муаммоларнинг олдини олиш ва самарали натижаларни қўллаш имконини беради:

1) ахборотлашган ва рақамли жамиятда замонавий таълимнинг ҳамма вақт ахлоқий панд-насихатлар, маънавий-маърифий ишлар ва тадбирлар билан узоқ вақт ушлаб туриш мумкин эмаслиги ўтган йиллардаги тажрибада кузатилди ва аниқланди;

2) профессор-ўқитувчилар тадқиқотчилар, магистрлар ва талабаларни танқидий мушоҳада қилиш, илмий мушоҳада юритиш, доимий академик мутолаа билан буткул банд қилиб қўйиш механизми ишлаб кетади;

3) тизимли равишда тартибга солинган сурункали илмий-ижодий меҳнатнинг оммалашуви илмий жамоатчилик орасида фан ва таълим соҳасидаги турли хил салбий иллатларни барҳам берилишига олиб келади, илмий фаолият орқали амалга оширилган натижалар кенг илмий жамоатчилик назорати орқали тартибга солиб турилади;

4) ҳақиқий фан фидойилари, истеъдодли ёш мутахассис ва талабаларни ажратиб олиш, уларни давлат ва жамият томонидан муҳофаза қилиш, муаммоли ва истиқболли лойиҳаларга чин маънодаги ақл эгаларини жалб этиш имконияти ошади;



5) бугунги фан ва таълим соҳасига «адашиб» кириб қолган, сунъий бюрократик механизмларни ташкил этадиган, маҳаллийчилик ва танишбилишчиликка мойил кишилар фаолиятига барҳам бериб борилади, ёки тартибга олинади.

Диссертациянинг иккинчи боби иккинчи параграфи «Замонавий жамиятда миграция жараёнлари, унинг кўриниши ва сабаблари» деб номланган. Таълим соҳасида халқаро тажрибани амалиётга жорий этиш тезлашиб борар экан, бунда ҳукумат ва жамият аъзолари (биринчи навбатда ота-оналарнинг ўзлари) томонидан юқори салоҳиятли интеллектуал шахсни етиштириш учун жуда ҳам катта миқдорда сармоя сарфланишини эътиборга олиш лозим. Бизнинг кузатишларимизга кўра, маҳаллий шароитида ҳар бир оила ўртача миқдорда фарзандининг хорижий тилни ўрганиши, махсус ихтисослашган (математика, физика, кимё, тарих, она тили ва чет тиллари) каби фанларни ўзлаштириши учун ўртача 100 АҚШ долларида 500 ва ундан кўп миқдорда маблағ сарфлашини жамоатчилик томонидан эътироф қилинган суҳбатларда аниқладик. 2015-2020 йиллар мобайнида юздан ортик ота-оналар билан биографик усул ёрдамида «Сиз ўз фарзандингизни репетиторга неча ёшдан бергансиз ва ҳар ойда қанча миқдорда молиявий ҳаражат қиласиз?»,<sup>10</sup> деган саволлар билан мурожаат қилдик. Айрим хонадонларда боланинг бир ёшдан бошлаб токи йигирма ёшга етгунича кўшимча таълим олиши учун жуда катта сармоя жалб этилади. Бу ерда биз жисмоний тарбия ва спортга сарфланадиган маблағни инобатга олмадик.

Ачинарлиси шундаки, жуда катта сармоя ва меҳнат жалб этилиши асосида шаклланган ёшлар, кейинчалик, ижтимоий ҳаётда ўз имкониятларидан фойдалана олмаслик, орттирилган билим ва кўникмаларни тажрибада қўллай олмаслик, мамлакатда жорий қилинган қонун ва қоидалар, ижтимоий ва иқтисодий-маданий тараққиётда амал қиладиган ментал хусусиятларга мослашолмаслик натижасида кўплаб ижтимоий-руҳий сабаб ва оқибатларни келтириб чиқармоқда. Жуда катта сармоя сарфланган кўплаб истеъдод вакиллари мамлакатга айна фойда келтириш пайтида, мавжуд «ёзилмаган қоидалар» гирдобига дош беролмай, интеллектуал мигрант сифатида ривожланган ҳориж мамлакатларига чиқиб кетишни лозим топади.

